

ХИВА ХОНИ ОЛЛАҚУЛИХОН ДАВРИДА ХОНЛИКДАГИ ШАҲАРСОЗЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

Матякубов Шоназар Собирович

Хоразм Маъмун академияси кичик илмий ходими

Жуманиязова Фируза Жуманазаровна

Хоразм Маъмун академияси кичик илмий ходими

Аннотация: Ушбу мақолада муаллиф томонидан Хива хони Оллақулихон даврида Ичан-Қалъа худудида барпо этилган Оллақулихон мадрасаси, Карвон сарой ва унинг Тим қисми, Тошховли ва унинг ишрат ховли қисми, шунингдек Дишан қалъа деворларининг бунёд этилиши, шунингдек хонлик томонидан олиб борилган бунёдкорлик ишлари тўғрисида маълумот берилади.

Калит сўзлар: *Хива, Оллақулихон, Карвон сарой, Тошховли, Ишрат ховли, Тим, Дешан қалъа, Муҳаммад Ёкуб Мөҳтар, Муҳаммад Ризо Кўшибеги, мармар, пишиқ гишт, ёғоч, гумбаз, Оллоқулихон мадрасаси, Ангарик, Боги шамол.*

Шаҳарсозлик мамлакатнинг фаровонлиги, маданияти, қудратини кўрсатиб берадиган, шу элни тараққиёт даражасини намоён этадиган жиҳатлардан биридир. Шуни яхши билган ҳукмдорлар турли даврларда бу шарафли, муқаддас вазифага муносиб улуш қўшиб келганлар. Ана шундай ҳукмдорлардан бири Хива хони Оллоқулихондир. 1825 йил 7 майда вафот этган Муҳаммад Раҳимхон I ўрнига тахтга кўтарилиган ўғли Оллоқулихон (1825–1842) даврида Хивада бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилди. Отасидан катта бойлик ва қўшин мерос бўлиб қолганига қармасдан, Оллоқулихон Мари воҳасига 3 марта (1826-1827, 1841), Бухоро амирлигига қарши 7 марта ва Хурсонга 5 марта катта ҳарбий юришлар ўюштириди. Натижада тўпланган катта бойлик ва минглаган асиirlар меҳнати билан Хивада салобатли иморатлар барпо эттириди. 1832–1838 йилларда Оллоқулихон

буйруғи билан, отаси Мұхаммад Раҳимхон I томонидан акаси Қутлуг Мурод иноқнинг жасадини мадрасада дағн қилиш мақсадида буздирган қалъа девори ўрнида катта ҳовли, мадраса ва Карвон сарой қурилади. Қурилиш ишларига бошлиқ қилиб Мұхаммад Ёкуб Мөхтар тайинланди ва унга Мұхаммад Ризо Күшбеги ёрдам беріб турди. Мармар, пишиқ ғишт, ёғочдан қурилған биноларни тиклашда энг қобиляятли халқ усталари — Нурмуҳаммад уста Тожи, Қаландар Хивакий, Абдулла Жин бошчилигидаги усталар ва мингдан ортиқ қуллар меҳнат килдилар. Дарвозалари кошинланған, ганч, ёғоч, тош ўймакорлиги, бўяма нақшлари билан безатилған Тошқовлининг майдони 80x80 м. бўлиб, ундағи 163 хонада хоннинг оиласи яшаган ва турли маҳкамалар жойлаштирилғанди. 1832-1834 йилларда янги қурилаётган Тошқовли саройининг Ҳарам қисмига қўшиб Ишрат ҳовли барпо этилди[1]. Тантанали маросимлар ва базмлар ўтказиш учун мўлжалланған ушбу ҳовли ўртасида қишида ўтов тикиладиган думалоқ шаклдаги супа қурилди. Арангхон давридан қолган бундай супа Кўхна Аркда ҳам мавжуд. Хива тахтига чиққан хонлар асли кўчманчилар авлодидан бўлғанлиги сабабли тош ва ғиштдан қурилған иморатларда анча сиқилған ва совқотган ҳолда яшаганлар. Кигиз ва гиламлар билан безалған ўтовнинг ўртасида ўчоқ бўлиб, унга ёқилған саксовул қиши ойларида иссиқликни керакли даражада сақлаб туриш имконини берган. Тошқовли саройининг рўпарасидаги Карвон сарой 1835 йилда тикланған[2]. Сатҳи 46,3x42,4 м. бўлған тўртбурчак шаклидаги икки қаватли ҳовли атрофида 104 та ҳужра қурилған. Пастдаги хоналарда юк сақланған, юқоридагиларида эса Бухоро, Эрон ва айникса Россия савдогарлари яшаши учун имконият яратилған. Ҳовлининг тепаси гумбаз билан ёпилған. Ички ва ташқи савдо-сотиқ алоқаларининг кенгайиб бориши Хивада янги бозорлар ташкил этишга туртки берди. 1832 йилда Оллоқулихоннинг буйруғи билан сафарбар этилган мингдан ортиқ аҳолининг меҳнати эвазига 45 кунда шаҳарнинг шаркий қисмида мавжуд ва сатҳи 5–6 таноб бўлған кўл бозор ташкил қилиш мақсадида кўмилди[3]. Натижада янги бозорда расталар ўрнатилди ва савдо сотиқ ишлари бошлаб

юборилди. Бозорда ўз молларини сотган Россия, Даشتி Қипчоқ, Туркия, Эрон савдогарларидан “ганжа” номли ўрин солиги олинган. 1836-1838 йилларда Оллоқулихон карвонсаройига яқин жойда газмол ва тикувчилик буюмлари сотиш учун ихтисослаштирилган раста сифатида майдони $74 \times 26,5$ м, гумбазларининг диаметри $10,7 \times 9,5$ м. бўлган Тим курдирган. Тимдан тушадиган тижорат даромади Оллоқулихон мадрасасига сарфланган. Оллоқулихон буйруғи билан 1837-1838 йилларда Тошҳовли саройида Арзхона барпо этилган. Қурилишни икки йиллик қисқа муддатда тугаллаш мумкин эмаслигини айтишга журъат этган нақош Нурмуҳаммад уста Тожи хон буйруғи билан қозикқа ўтқазилган. Устанинг фожеали ўлимидан кейин қурилишни Қаландар Хивакий давом эттирган. 1841 йилда хоннинг невараси Муса тўра маблағига Хивада масжид ва дарсхона қурила бошланди. Шу йили Хивага келган рус элчиси — капитан Никифоров Оллоқулихон олдига бир қатор янги талабларни қўйди. Мазкур ҳолатни эътиборга олган хон Хурсонга юриш килиб, 20 минг асирларни банди килиб қайтди ва уларнинг меҳнати билан Хива шаҳрининг мудофаа имкониятларини кучайтиришга ҳаракат килди. 1842 йилда Оллоқулихон буйруғи билан Муҳаммад Ёкуб меҳтар ва Отамурод Матризо қушбеги бошчилигига Иchan калъанинг ташқи кисмida узунлиги 6250 қалинлиги 4 метр, баландлиги 6-8 метрли янги мудофаа девори тикланди Тарихчи-олим Абдулла Абдурасулов “Деворни ҳашар усулида тиклашга хонликдаги аҳолининг 200 минг нафари сафарбар этилган” деб ёzádi) [4]. Қурилиши 30 кун давом этган деворни Муҳаммадизо Огаҳий “Хисори хуш бино”[5] деб баҳолади. Эндиликда хоннинг Рофаник ва Нуруллабой деган жойдаги боғлари ҳам шаҳар таркибиға кирди. Шу даврлардан бошлаб Хива шаҳри ҳудуди Дишан ва Иchan калъа деган ном билан ажратиладиган бўлди. Дишан қалъа ҳакида рус дипломати Г.И.Данилевский шундай маълумотларни қолдирган: “1842 йилда хон қўшинларининг Бухорога юришидан бир ой олдин шаҳар атрофида яна бир девор тикланди. Шаҳарга қўшиб олинган янги ерларни камраб олган ва эгри-буғри бўлган ушбу ташқи деворнинг узунлиги 6 чақирим ва 100 таноб бўлиб, унда

режалаштирилган 12 та дарвозадан 8 таси ғиштдан тикланган ва қолганлирига жой белгилаб қўйилган. Хивада 2 та хон саройи, 17 та масжид, 22 та мадраса, карвон сарой, усти ёпиқ бозор ҳамда ташқи деворнинг Боғча ва Шермуҳаммад Ота номли дарвозалари орасида очилган 260 та дўконлар бор”[6]. Дишан қалъа барпо этилиши натижасида шаҳар маҳаллалари сони сезиларли даража ошди. Натижада Ичан калъадаги 33 маҳалла қаторига яна 44та Дишон қалъа маҳаллалари қўшилди. Маҳалла номлари шу ерда яшаётган ва касби-корига қараб бир-биридан ажralиб турган ва шу ерда яшаган катта амалдорлар номи билан боғлаб айтиладиган бўлди. Натижада хиваликлар бир-бирини читкарлар, алакчилар, кулоллар, мискарлар, ғассоллар, Отамурод қушбеги, Ёқуб Мехтар, Юсуф Ясовулбоши маҳалласидан деб атай бошладилар. Шаҳар кўчалари сони 109 тага, масжидлар сони 120 тага ва қориҳоналар сони 120 та етди[7]. Шаҳар атрофида яхши ишланган далалар, боғ ва иморатлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти хон ва унинг амалдорларига тегишли. Иморатлар орасида ўзининг тозалиги ва чиройлилиги билан хоннинг Ангиарик деган жойдаги уйи Боги Шамол ҳовлиси ажralиб туради”[8]. Хулоса қилиб айтганда Хива хонлигига қурилиш-меъморчилик ишлари айниқса пойтахт шаҳар ободонлиги хукмдорларнинг диққат-марказида турган. Хусусан Хива хонлари ичida Оллоқулихон даврида бу вазифа айниқса жадаллик билан амалга оширилди, ўзига хос Хива архитектураси шаклланди шундан кейин хонлик бошқарувига келган бошқа хукмдорлар ҳам ўз фаолиятида имкон қадар бу анъаналарни давом қилдиришга ҳаракат қилганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Раҳмонова Ю.Хива тарихидан лавҳалар.Т. “Akademnashr” 2019. Б.142.
2. Рахманова Ю. История Хивы (традиции и изменения, XVI- начало XX века).- Ташкент, “Akademnashr”, 2019. - С. 55.
3. Ахмедов Б.А. Новые сведения о Хиве // “Общественные науки в Узбекистане”, 1982, № 9.- С. 34-35.
4. Абдурасолов А. Хива. Тарихий-этнографик очерклар.- Т. “Ўзбекистон” 1997.- 16 Б.
5. Муҳаммадризо Оғаҳий. Риёз уд-давла // Асарлар, V жилд.- Т.: “Фан” , 1978.- 153 Б.; Муниров Қ. Хоразмда тарихнавислик.- Т.: “Ғафур Ғулом”, 2002.-162 Б.; Раҳмонов А. Историческая топография / Хива — город тысячи куполов.- Ташкент: Шарқ, 1997.- С. 56.
6. Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства // Записки Русского географического общества. Кн. 5.- С. 111-112.
7. Абдурасолов А. Хива. Тарихий-этнографик очерклар.-16 Б
8. Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства // Записки Русского географического общества. Кн. 5.- С. 114; Раҳмонов А. Историческая топография // Хива- город тысячи куполов.- Т.: “Шарқ ”,1997.- 57 Б.